# ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2019 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси 4720,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 44,1 га ўсиб, 679,4 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 14,4 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 3,1 фоизга ўсиб, 4040,6 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 85,6 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 2890,3 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 фоизга ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 61,2 фоизга тенг бўлди

.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**
*(2019 йилнинг январь–июнь ҳолатига)*



*Чакана савдо - товарларни етказиб беришда ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга бўлган товар харакати жараёнидаги хўжалик алоқаларининг сўнгги занжири бўлиб ҳисобланади. Чакана савдода моддий ресурслар муомала жараёнидан жамоа, якка холдаги, шахсий истеъмол соҳасига ўтади, яъни истеъмолчиларнинг мулки бўлиб қолади. Бу жараён олди-сотди орқали амалга оширилади, чунки истеъмолчилар ўзларига зарур товарларни ўзларининг пул дараомадларига алмашишади. Бунда ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг янги цикли учун янги имкониятлар пайдо бўлади, чунки ушбу холатда товарлар пулга айланади.*

2019 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Давлат мулки 1,9 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 100,3 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 4718,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 107,4 фоизни ташкил қилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси**

| | *млрд. сўм* | *2018 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида* | *якунга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **4720,0** | **107,5** | **100,0** |
| *шу жумладан:* мулкчилик шакллари бўйича | | | |
| давлат мулки | 1,9 | 100,3 | 0,04 |
| нодавлат мулки | 4718,1 | 107,4 | 99,96 |
| ундан фуқароларнинг хусусий мулки | 2890,3 | 101,0 | x |

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Бухоро шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 34,4 % ни ташкил этди, Ғиждувон тумани 17,5 %, Қоракўл тумани 10,1 %, Ромитан тумани 6,3 % ва Вобкент тумани 6,1 % ни ташкил этган бўлса, Олот тумани 2,0 %, Когон тумани 1,8 % ва Қоровулбозор тумани 1,6 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши**

*2019 йил январь-июнь ойлари, % ҳисобида*




2019 йилнинг январь-июнь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 44,1 фоиз кўпни ташкил этди. Ўз навбатида, Қоракўл (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 мартага), Вобкент (99,2 % га), Когон (77,4 % га) туманлари, Бухоро (45,7 % га) шаҳри, Ғиждувон (28,5 % га), ҳамда Пешкў (27,2 % га) туманларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 158,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,7 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,4 % ни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Қоровулбозор тумани ҳисобига тўғри келди ва 7,8 % ни ташкил этди, Ромитан тумани 3,5 %, Бухоро шаҳри 3,5 % ташкил этган бўлса, Ғиждувон тумани 3,1 % ва Когон тумани 2,2 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида**

*(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)*

| | Жами | | Аҳоли жон бошига | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | 2018 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида | минг сўм | 2018 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида |
| **Вилоят бўйича** | **4720,0** | **107,5** | **2483,3** | **105,8** |
| *шаҳарлар* | | | | |
| Бухоро | 1625,3 | 110,5 | 5821,4 | 109,4 |
| Когон | 187,7 | 104,0 | 3081,8 | 103,0 |
| *туманлар* | | | | |
| Бухоро | 211,7 | 106,6 | 1288,5 | 104,3 |
| Вобкент | 287,7 | 111,3 | 2086,2 | 109,1 |
| Жондор | 251,2 | 107,7 | 1459,4 | 105,3 |
| Когон | 84,1 | 128,3 | 1093,1 | 124,8 |
| Олот | 97,4 | 107,0 | 991,5 | 104,7 |
| Пешкў | 104,3 | 107,1 | 861,9 | 104,7 |
| Ромитан | 296,7 | 107,2 | 2127,2 | 105,0 |
| Шофиркон | 197,9 | 106,0 | 1129,0 | 104,2 |
| Қоракўл | 474,9 | 104,3 | 2925,8 | 102,2 |
| Қоровулбозор | 76,2 | 105,2 | 4185,6 | 104,1 |
| Ғиждувон | 825,0 | 102,7 | 2742,8 | 100,8 |

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 5,8 % га ошиб, 2488,3 минг сўмни ташкил этди (2018 йил январь-июнь ойларида 2068,7 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Бухоро шаҳри (5821,4 минг сўм), Қоровулбозор (4185,6 минг сўм) тумани ва Когон шаҳрида (3081,8 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Шофиркон тумани (1129,0 минг сўм), Олот туманида (991,5 минг сўм) ва Пешкў туманида (861,9 минг сўм) қайд этди.

Умумий овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 158,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,7 фоизга ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,4фоизни ташкил этди.

**Умумий овқатланиш товар айланмаси,** *(млн.сўмда)*




Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Бухоро шаҳри 35,8 фоиз, Ғиждувон тумани 16,0 фоиз, Қоракўл тумани 10,2 фоиз ташкил этган бўлса, Пешкў тумани 2,1 фоиз, Олот тумани 2,0 фоиз ва Когон тумани 1,2 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда**




Овқатланиш ташкилотлари товар айланмаси аҳоли жон бошига 83,5 минг сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бухоро шаҳри (203,5 минг сўм), Қоровулбозор тумани (325,0 минг сўм), Когон шаҳри (103,3 минг сўм), Қоракўл тумани (99,5 минг сўм), Ғиждувон тумани (84,5 минг сўм) кузатилди.

2019 йилнинг январь–июнида улгуржи савдо товар айланмаси 1129,2 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 100,9 фоизни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 1,1 фоизга камайиши кузатилиб, ҳажми 707,5 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (32,2 фоиз), Когон тумани (18,8 фоиз), Пешкў тумани (13,1 фоиз) ташкил этган бўлса, Когон шаҳри (1,4 фоиз), Қоровулбозор тумани (2,2 фоиз) ва Қоракўл тумани (1,8 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Бухоро вилояти худудларининг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда**




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 2,2 фоизга ошиб, 707,5 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 62,7 фоизни ташкил қилди.

**Улгуржи савдо товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида**

| | *млрд. сўм* | *Жамига нисбатан, % ҳисобида* | *2018 йил январь-июнига нисбатан, % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича** | **1129,2** | **100,0** | **100,9** |
| Бухоро ш. | 363,9 | 32,2 | 107,0 |
| Когон ш. | 15,9 | 1,4 | 75,5 |
| *туманлар* | | | |
| Бухоро | 45,4 | 4,0 | 95,5 |
| Вобкент | 41,0 | 3,7 | 93,4 |
| Жондор | 66,7 | 5,9 | 102,0 |
| Когон | 212,3 | 18,8 | 186,6 |
| Олот | 41,7 | 3,7 | 98,0 |
| Пешкў | 147,9 | 13,1 | 103,6 |
| Ромитан | 54,4 | 4,8 | 98,0 |
| Шофиркон | 30,8 | 2,7 | 138,1 |
| Қоракўл | 20,9 | 1,9 | 144,9 |
| Қоровулбозор | 24,7 | 2,2 | 16,1 |
| Ғиждувон | 63,6 | 5,6 | 112,8 |